ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ




# КОРХОНАНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ

## ❗ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

1. Тарафларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар).
2. Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар.
3. Корхона сотувчиси ва сотиб олувчиси ваколатли органларининг корхонани сотиш ёки сотиб олиш тўғрисидаги қарори (умумий мажлис баённомаси ёки кузатув кенгашининг қарори ёхуд буйруқ ва ҳоказо).
4. Вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишончнома).
5. Мулкдорнинг розилиги (агар мулк хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган юридик шахсга тегишли бўлса).
6. Инвентаризация далолатномаси.
7. Баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи ва хулосаси (сотилаётган корхонада давлат улуши бўлган ҳолларда).
8. Давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади).
9. Корхона сотувчиси — юридик шахснинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган оралиқ баланснинг асл нусхаси.
10. Аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси.
11. Тарафлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган ва имзоланган кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати.
12. Сотувчининг кредитор ва дебитор қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома, агар кредитор қарздорлиги мавжуд бўлса кредиторларга юборилган хабарнома ва уларнинг корхона қарзларини бошқа шахсга ўтказишга розилиги ҳақидаги нотариус ёки консул томонидан шаҳодатлантирилган аризалари (кредиторлар юридик шахс бўлган ҳолларда, уларнинг розилиги расмийлаштирилган хатлари).
13. Корхона таркибидаги бино ва иншоотлар учун «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси.
14. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар.
15. Давлат солиқ хизмати органининг қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномаси.
16. Тарафлар ўртасидаги тўлов мажбурияти бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
17. Соф активлар ҳақида маълумот.

## УНДИРИЛАДИГАН ТЎЛОВ:

**1. Давлат божи - 202 730 сўм**

**2. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун**

| Хизмат тури | Жисмоний шахсларга | Юридик шахсларга |
|---|---|---|
| Тақиқни текшириш | 30 409,5 сўм | 50 682,5 сўм |
| Маслаҳат | 10 136,5 сўм | 10 136,5 сўм |
| Лойиҳа тайёрлаш | 30 409,5 сўм | 30 409,5 сўм |

- *Нотариус жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.*
- *Давлат божлари ва пулли хизматлар энг кам ойлик иш ҳақи 202.730 сўм ҳолатига кўра ҳисобланган.*

**Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг!**

@huquqiyaxborot

fb.com/groups/adliya

instagram.com/adliyanews

youtube.com/adliya

Агар ортиқча маблағ талаб қилинса, Адлия вазирлигининг «1008» ишонч телефонига зудлик билан хабар беринг